O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 2000 йил, 29 август | 12 (229)-сон

# СУРБЕТ КИРДИКОРЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАЖАК!

## ТЕРРОРИЗМ ХАВФИГА ҚАРШИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

Терроризм бугунги дунёнинг тинчлиги, халқларнинг яшаш бахту саодатига чанг солмоқда. Жаҳонда совуқ уруш барҳам топгандан сўнг терроризм инсониятнинг энг ёвуз душманига айланди. Терроризм этник, диний, ирқий ва бошқа ҳали ер юзи халқлари ҳаётида мавжуд низо ҳамда келишмовчиликлардан устомонлик ва мунофиқлик билан фойдаланмоқда. Наркобизнес, яширин қурол-яроғ сотиш, турли даъволар билан чиқиш, ёшларни мунофиқона тарзда йўлдан уриш, қонли можароларга ем қилишликни ўзига касб қилиб олмоқда.

XIX–XX аср бошларида Туркистон халқларини қул, қарам қилишга уринишлар бўлди. Мўлтониларча авж олдирилган биродаркушлик низолари туфайли Туркистон халқлари омонсиз фожиали талафотлар кўрди.. Оға-ини бўлган халқлар орасига раҳна солиш, айирмачиликка, ер-сув талашларига ундаш ва шу йўл билан уларни ўз қонига ғарқ қилиб, устидан ҳукмронлик ўрнатиш оғир оқибатларга олиб келди. XX аср охирига келибгина Туркистон биродаркушлик низоларидан қутулди.

Ўзбекистон эркин нафас олди. Озодликка чиққан мамлакат қад ростлаяпти. Ўзбекистон эндиликда ўз биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда тикланиш йўлига кирди. Ислом Каримов ислоҳотларни қадамбақадам тало-тўпларсиз юзага чиқаряпти. Ўзбекистон изчиллик билан миллий тикланиш сиёсатини олиб бормоқда. Тикланиш ҳар бир хонадон, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг мақсад-вазифасига айланишини, у фуқароларга, ҳар бир хонадонга бахт-саодат келтиришини истамоқда. Мана шундай тарихий паллада халқ ўз келажагини кўриш учун белни маҳкам боғлайди, бир ёқадан бош чиқариб ўз ватанининг равнақи учун курашади. Худди шундай тарихий паллада терроризм офати чиқди ва у Ўзбекистоннинг асл озодлик, мустақиллик манфаатларига хуруж қилмоқда, душманлик йўлига ўтмоқда. Ибтидоий фанатизм ва фундаментализм майлларини уйғотишга зўр бериб уринмоқда. Ёвуз Ахриман оқил ва олижаноб Ахурамазда билан бирга туғилгандай терроризм миллий мустақиллик билан бирга, унга тамомила зид ва ёт тарзда туғилди. Халқнинг маърифатли йўли, интилишларига ёт бу кучлар қандай даъволар билан чиқмасин, қандай мўлтони важ-корсонлар келтирмасин, терроризмнинг қилмишлари дунё жамоатчилигига ҳам, Ўзбекистон аҳлига ҳам аён. Уларнинг хатти-ҳаракатлари ўтакетган ёвузлик ва ғаразгўйликдан бошқа нарса эмас!

Ўзбекистонга, унинг умумхалқ томонидан маъқулланган ва қабул қилинган конституциявий тузумига қарши четдан, хорижий хуфялардан пул-маблағ, қурол-яроғ олиб тинч тараққиёт йўлига кирган мустақил давлатга бостириб кириш, енгил фикрли баъзи тоифаларни васвасага солишга уриниш, қандайдир ўч-интиқом олишга чақириш – булар бари фақат ва фақат терроризм ва босқинчиликдан бошқа нарса эмас. Уларнинг барча ишлари мустабидлик тегирмонига сув қуяди. Тошкентдаги қонли феврал воқеаларини уюштирган, бегуноҳлар қонини тўккан, вайронгарчиликлар қилганлар ҳам шулар эди.

Биз террорчи тўдаларнинг, уларнинг қора ниятли «лидерлари»нинг мамлакатимиз чегараларидаги асабий хуружларини миллий тикланишимизга тажовуз деб биламиз. Миллий озодликни кўролмаслик деб биламиз. Ўз қадр-қимматини пучак пулга сотиш деб биламиз. Ўрта Осиёни Чеченга, Афғонга, Жазоирга, Кашмирга, Ҳабашга айлантиришга уринманг! Ўрта Осиё низо, талон-тарож, ҳақсизлик қайнаган макон бўлмагай! Бекор айтибсиз, Чаёнлар зах унгурлардан қўзғалган ерда янчилгай! Ўз ғаразлари олуда бўлиб ҳалокат ва паторат топгайлар!

Ўзларини худди ибтидоий замонлардагидек жангарилар ва мужоҳидлар деб атаётган шум тўдалар, уларнинг аллақайси каваклардан чиқиб алжираётган, ваҳм ва васвасаларини ҳақиқат деб лоф ураётганларнинг аслида динга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ислом элларга салом ва ҳамкорлик элтади. Ўзбекистонда ислом ва иймон эркин. Маънан-ахлоқан ўсиш учун, ҳуқуқлари, ибодатларини адо этиши учун ҳар кимга барча имкониятлар бор. Ўзини «Ҳаракат» деб атаётган тўдалар аслида халқаро терроризм билан чамбарчас алоқада. Ғараз, адоват, ўз юртига қарши қурол кўтариб келишнинг охири вой!

Халқимиз, жамиятимиз, уларнинг ўзагини белгиловчи сиёсий кучлар ва жумладан, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ғараз ниятли террорчи гуруҳларнинг ғулувларини кескин қоралайди. Уларнинг мана тўққиз йилдан бери олиб бораётган қонли хуружларини миллий мустақиллигимизга қарши қаратилган тажовуз деб баҳолайди.

Ўзбекистон халқлари неча юз йиллар асорат, қарамлик, қашшоқликда яшаб, ниҳоят шу асрнинг сўнггида қирғинлар, босқинлар, низолар, вайронагарчиликлардан халос бўлди. Энг даҳшатли қарамлик балосидан қутулди. Эркин, озод, демократик қадр-қимматларга асосланган ўз тинч ҳаётини қурмоқда.

Мустақил давлатга қарши таҳдид, тажовуз, қурол кўтариб дўқ-пўписа қилгувчиларни халқ ҳеч қачон ёқламагай! Ўзбекистон ўз мустақиллигини, озодлигини асрайди ва ҳимоя қилади. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ва унинг аъзолари, хайрихоҳлари ҳамма вақт мана шу озодлик, мустақиллик, тараққиёт учун курашчилар сафидадир. Биз Ўзбекистон Президенти, ҳукумати олиб бораётган тинчлик, фаровонлик сиёсатини, ҳар қандай босқинчиларга қарши кўраётган мудофаа чора-тадбирларини тўла маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

## XXI аср аёли

**«XXI АСР АЁЛИ« ГРАН-ПРИ СОҲИБАЛАРИ ҲАМДА ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИГА!**

*Асрлар юкини елкага ортган,*
*Қудратидан минг бир*
*қудрат уйғотган,*
*Болажон юраги шер бўлаётган,*
*Бугун тўққиз йиллик тарих*
*тимсоли,*
*Йигирма биринчи аср аёли!*
*Сен замон қошига чиққан*
*шижоат,*
*Ҳимматинг меҳрингдай бўлган*
*ижобат,*
*Энг аввал билгувчи юртда*
*на ҳожат,*
*Дединг, мушкул бўлмас*
*тадбирдан холи,*
*Йигирма биринчи аср аёли!*

*Қалам қошларингда чизилган*
*жоним,*
*Оҳу кўзларингда нурланур*
*шоним,*
*Эй, олам саҳнида туғли*
*Туроним,*
*Тўмарислар шаъни, озод хаёли,*
*Йигирма биринчи аср аёли!*

*Қадамингдан офтоб*
*болалаётир,*
*Асрдан асрга миллат борётир,*
*Шу юртда бор ўн уч миллион*
*ботир,*
*Еру кўк мақтови— унинг ҳалоли,*
*Йигирма биринчи аср аёли!*

УЗРО

2-БЕТ ■■■

### *Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллигига*



*Ухлоқ кўзларимга дард бергин Оллоҳ,*
*Уйғотиб юборсин минглаб нигоҳни.*
*Қулоғимни қўйиб ойнинг кўксига*
*Эшитиб қолдим-ку кучли бир оҳни.*

*Ким айтади сенинг бағринг тош дея,*
*Шунчалар юмшоқсан, шунчалар дилбар.*
*Тўлиб турган ойнинг оғзига қаранг,*
*О-ЗОД-ЛИК деяётган одамга ўхшар...*

**Дилором ИСМОИЛОВА**



## ЁЗЁВОНДА ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ

26 август куни Фарғонанинг Ёзёвонида гўзал байрам устига байрам бўлди. Туманнинг барча кўҳна қишлоқлари, жамоа хўжаликларидан эрта тонгдан ёш-яланг, ясан-тусан қилган қиз-аёллар, кўпни кўрган ҳурматли қариялар, эл оқсоқоллари туман марказига оқиб кела бошлади. Кўркам дастурхонлар ёзилди. Давраларда ажойиб гурунглар бўлди. Эл-юрт ўз ажойиб фарзандларининг меҳнат ютуқларини олқишлади. Хушхон ҳофизлари овозлари Ёзёвон далалари, боғлари узра қанот ёзди.

Ёзёвонликлар бу йил пилла, ғалла, мева-сабзавот, боғдорчиликдан яхши ҳосил олдилар. Ғалланинг ўртача ҳосили ўтган йилга қараганда етти фойиз кўпайди. Ҳар йили шундай етти фойиздан кўпайиб борса, яқин йиллар ичида деҳқонлар жуда катта ҳосилларни қўлга киритадилар, деб умид қиласиз. Пахта далаларида яшнаган ғўза қаторларининг таги оппоқ кўрпадай бўлиб очилган. Ҳадемай терим бошланади. Ёзёвонликларнинг пахта, шолидан ҳам умидлари катта. Меҳнатлар ҳам, ғайратлар ҳам, тайёргарликлар ҳам шунга яраша.

– Катта кетмайину лекин ҳар ғўзанинг тагида бир келин-куёвнинг кўрпасига етадиган пахта салмоқланиб турибди, – дейди Ёзёвоннинг донишманд отахонларидан бири Ориф ота.

Улуғ байрам арафасида Ёзёвонга сайловчилари, ўқувчи-мухлислари билан учрашгани шу ердан Олий Мажлисга депутат этиб сайланган Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов келди. Элни буюк миллий байрамимиз билан қутлади.

Ёзёвонликлар шу улуғ айём кунларида таниқли олим ва адиб Тўхтасин Жалоловнинг 90 йиллигини нишонладилар. Тўхтасин Жалолов хотирасига бағишлаб туман спортчи ёшларининг таэквондо мусобақалари ўтказилди. Ёш йигит-қизларимиз завқ-шавқ билан майдонда беллашдилар. Уларнинг оташин, моҳирона олишувларига қараб туриб, анави пана-пасқамларда эл-юртнинг тинчини бузишга, ўз ҳаётини ҳам, ўзгалар ҳаётини ҳам издан чиқаришга уринаётган қора тўдаларнинг мудҳиш кирдикорлари ўта аянчли, фожиали эканлигини ҳамма ҳис қиларди.

Тўхтасин Жалолов домланинг киндик қони Ёзёвоннинг Қоратепа қишлоғига томган. Бу ерда уч йил илгари қурилган замонавий шинам мактабда адиб хотирасига бағишланган ҳаяжонли анжуман очилди. Анжуманга йиғилган Ёзёвон аҳли, қоратепаликлар, адибнинг қавм-қардошлари Эркин Воҳидовнинг бугун Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов олиб бораётган вазмин, матонатли сиёсат, халқнинг онгида уйғонаётган озодлик, истиқлол руҳи ҳақидаги заковатли сўзларини, Тўхтасин Жалолов тўғрисидаги ёрқин хотираларини жон қулоғи билан тингладилар. Анжуманда Олий Мажлис депутати, домланинг шогирди Иброҳим Ғафуров, туман ҳокими ҳурматли Холмат Комилов, 30-мактаб директори Ширмонхон Йўлдошева, адабиёт ўқитувчиси Муҳаммаджон Мадисаев, маънавият тарғиботчиси А. Ўроқов, Р. Камолов, закий қария Орифхон оталар Тўхтасин Жалоловнинг оташин асарларидан, унинг инсоний фазилатларидан улги олиб яхши инсонлар етишиб чиқади, домланинг сўзи, асарлари ҳамиша эл-юрт юрагида яшайди, деб умид билдирдилар. Анжуманни ўтказиш ва унга тайёргарлик кўришда туман халқ маориф бўлими катта жонбозлик кўрсатди.

**Алишербек ЁЗЁВОНИЙ**

ИШЛАЁТГАН СЎЗ — 2-бет

3-бет — БИОМАЙДОН — ТУЗОҚМИ, ДЕВОР?

# ҚОНУНЧИЛИКДА ЯНГИ РЕАЛИЗМ УФҚЛАРИ

### 30 АВГУСТ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ

Эртага 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси иш бошлайди. Сессияга Олий Мажлис, унинг қўмиталари, комиссиялари, ишчи гуруҳ ва депутатлар жуда катта тайёргарлик кўрдилар. Депутатлар қўмиталар, комиссиялар ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида, сессия анжуманларида ҳаёт жабҳаларидан олган бой таассуротларини — яратилган қонунлар қандай ишлаётгани, кенг миқёсдаги ислоҳотлар жараёнларига қандай таъсир кўрсатаётгани, халқнинг ҳуқуқий билим ва маданияти қандай ошиб бораётгани ва бошқа шу каби жуда кўп долзарб масалалар ҳақида фикрлашадилар, мамлакат ҳаёти учун ғоятда муҳим бўлган бир қатор янги қонунларнинг лойиҳалари, давлат аҳамиятига молик ҳужжатларни муҳокама қиладилар, қимматли таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташлайдилар.

Депутатлар ўз сайловчилари билан қанчадан-қанча қизғин учрашувларда бўлдилар, икки сессия орасида қанчадан-қанча туғилган ҳаётий муаммоларни ечишда бевосита қатнашдилар. Фуқаролар томонидан қўйилаётган ранг-баранг саволларга биргаликда жавоб изладилар. Етилган масалаларга рўбарў келганда шошиб қолмаслик, бугун яратилаётган қонунлар лойиҳаларида эртанги кунларни кўриш, истиқбол нафасини ҳис этиш, қонунлар фақат ва фақат ижтимоий зарурат ҳамда ижтимоий эҳтиёждан туғилиши, жамият, давлат, халқ ҳаётида ўз ўрни, қимматига эга бўлиши, демократия фақат қонунчилик билангина тирик ҳамда устувор эканлигини унутмаслик — булар кундалик депутатлик фаолиятининг мазмуни ва мезонларини белгилайди.

Олий Мажлис депутатлари бугун ўз анжуманларига истиқлол манфаатлари учун кураш кетаётган катта, бой ҳаётнинг тажрибалари, руҳи, нафасини олиб кирадилар, ижтимоий борлиғимизнинг энг долзарб масалаларига доир ўз зарур сўзларини айтадилар. Зотан, Олий Мажлис сессияси кун тартибига қўйилган масалалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Уларда таъбир жоиз бўлса, барча ўзбекистонликларнинг туб ҳаётий манфаатлари мужассамлашган.

Сессия муҳокамасига қўйилаётган «Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги, «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги янги қонунларимизнинг лойиҳалари мазмун-моҳият эътибори билан ҳаммамизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз, истиқболимизга дахлдор. Улар давлат мустақиллиги, хавфсизлиги, инсон эрки, жамият равнақининг янги уфқларини очади.

Бундай чуқур демократик қонунларнинг юзага келиши, ўқиш, ўрганиш, ўйлашларда мукаммаллик касб этиб, мамлакат ҳаётига йўлланма олишида Миллий тикланиш демократик партиясининг Олий Мажлисимиздаги оз сонли, лекин зиёли фракциясининг маълум бир улуши борлигидан фахрланамиз.

Бу каби қонунлар лойиҳалари билан Олий Мажлис қонун яратувчилик — қонунчилик фаолиятида реализмнинг янги бир юқори поғонасига кўтарилади, деб ишонч билан айта оламиз.

Олий Мажлисимизнинг сессиясига, барча депутатларга ўз ишларида катта муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Уларга чин дилдан олижаноб ишингиз самарали, кириб келаётган улуғ миллий байрамингиз муборак бўлсин! — деймиз.

## ДИҚҚАТ, ОБУНА!

**Сиз севган «Миллий тикланиш» газетасига кейинги ойлар учун обуна давом этмоқда!**

**Юртимиздаги барча почта-алоқа бўлимлари бу борада сизга яқиндан кўмак беради, албатта!**

**Нашр кўрсаткичи: 158**

